

ЖОШЛИК СЎЗИ




1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 сентябрь, жума, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 182 (930)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ЗУФАРОВ тасвири.

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия қўмитасининг Раиси Ёсир Арафотни қабул қилди.

Сухбат чоғида Яқин Шарқдаги вазият, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, дўстона алоқаларни ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга ташрифи гоят самарали ўтаётганидан мамнуният изхор этди. Мамлакатимиз келажаги ва тараққиётга рағбат тилади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

ЁСИР АРАФОТ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия қўмитасининг

Раиси Ёсир Арафот 15 сентябрь куни Тошкентдан жўнаб кетди. Пойтахт аэропортида меҳмонни

Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазири ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

КУЗНИНГ ҲАР БИР КУНИ ҒАНИМАТ

Гулистонда туман ва шаҳар ҳокимлари, пахта йиғим-терими ва кузги ғалла экиш ишлари мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Уни Сирдарё вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов бошқарди.

терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, кузги ғалла экишни вақтида амалга ошириш зарурлиги хусусида гапирди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар кузнинг ҳар бир куни ғанимат экани, пахта йиғим-

(ЎзА).

ЭЛ АРДОҚЛАГАН ОЛИМ

Нукусда йирик олим Собир Камолов туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Қорақалпоғистон илм ахли ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келган ҳамкасблари С. Камоловнинг муборак ёши билан табриқлади.

Тантанали кечадан Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашти.

(ЎзА).

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛДИ

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон ва Чили Республикалари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги муваққат ишлар вакили Ш. Шохалилов ва Чили

Республикасининг Россиядаги факультетда ва мухтор элчиси Жеймс Холгер имзоладилар.

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган суҳбатда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

Ф. ПАРПИЕВ,
(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Энергетика тармогини ривожлантиришдаги кўп йиллик фидокорона хизмати ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

Журакулов Мамат — Самарқанд электр тармоқларининг чилангари

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ”

Каримов Иззатилло Хайруллаевич — Навоий иссиқлик электр станциясининг чилангари
Ливиниц Александр Львович — Фарғона иссиқлик электр марказининг директори
Эгамбердиев Набижон Ботирович — Сирдарё иссиқлик электр станциясининг монтери
Ҳамроқулов Сайфиддин Михайлович — Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасининг устаси

Нуридинов Комил Бадабиевич — “Ўзбекэлектртармоққурилиш” трестининг бригада бошлиғи

Охунов Хусанжон — Қўқон шаҳар электр тармоқларининг устаси

Рашидов Аҳмад Роҳатович — Тошкент иссиқлик маркази қозонхонасининг катта машинисти

Салимов Фансит Муҳаммадраҳимович — Ўрта Чирчиқ ГЭСлар тизмасининг катта устаси

Слесарев Валерий Алексеевич — “Иссиқлик электр лойиҳахалаш” институтининг курилиш бўлими бошлиғи

Темиров Гисс Жумаевич — Навоий электр тармоқларининг электр монтери

Убайдуллаев Ҳошимжон — Наманган электр тармоқларининг катта устаси

Ҳужамбердиев Ҳалим Холматович — Андижон электр тармоқлари корхонасининг автомобиль ҳайдовчиси

Юнусов Баҳром Абдузимович — Тошкент тумани электр станциясининг устаси

Уринбосаров Абдирим — Тахиятош иссиқлик электр станциясининг чилангари

Қоратов Сайдулла Султонович — “Ўзбекэнергоузел” ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ,
Тошкент шаҳри,
1994 йил 15 сентябрь.

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ”

Исаев Георг Георгиевич — “Ўзбекгидроэнергоқурилиш” трестининг бошқарувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Аббасқиров Аъзамбой — Ўрта Чирчиқ тумани электр тармоқларининг электр монтери

Гадоев Ғайрат Шодиевич — Шахрисабз электр тармоқларининг катта устаси

СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Ешлар билимгоҳида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган Ешлар Иттифоқи бошланғич ташкилотлари котибларининг семинари ниҳоятга етди.

Ешлар бир ҳафта мобайнида бу ерда йирик мутахассисларнинг турли мавзулардаги

маърузаларини тинглади. Улар назарий билимлар билан чекланиб қолмасдан, тажриба алмашиш учун пойтахтимизнинг “Миконд” заводи ҳамда Тошкент тўқимачилик ва ип йиғирув фабрикаларига бориб, тенгқурларининг ишлари, яшаш шароитлари билан танишдилар.

Н. ҲАМРОЕВ.

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 15 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Вилоятлар	Режага нисбатан фонд ҳисобида тайёрлангани			
	Жами		Шу жумладан машинада терилгани	
	Бир кунда	Мавсум бошдан бери	Бир кунда	Мавсум бошдан бери
Қорақалпоғистон Республикаси	0.88	4.44	0.01	0.01
Андижон	2.41	11.05	0.00	0.00
Бухоро	3.62	27.32	0.00	0.00
Жиззах	0.70	2.75	0.00	0.01
Қашқадарё	1.70	8.34	0.32	1.23
Навоий	2.54	16.51	0.24	0.43
Наманган	1.20	6.30	0.04	0.15
Самарқанд	2.24	13.54	0.40	1.28
Сурхондарё	2.12	17.71	0.47	1.17
Сирдарё	0.53	1.96	0.00	0.00
Тошкент	0.50	2.43	0.00	0.00
Фарғона	2.50	15.89	0.03	0.04
Хоразм	2.42	22.50	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича жами	1.80	11.58	0.11	0.34
1993 йил шу кунгача тайёрланган пахта	0.34	1.56	0.00	0.00
Шу жумладан, ингичка толали пахта				
Қашқадарё	0.00	0.00	0.00	0.00
Наманган	0.00	0.00	0.00	0.00
Сурхондарё	0.00	0.00	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича жами	0.00	0.00	0.00	0.00
1993 йил шу кунгача тайёрланган пахта	0.59	3.13	0.00	0.00

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг УН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ ОЛДИНДАН

АНДИЖОНДА ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Андижонда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасига бағишланган вилоят фаоллари йиғилиши бўлди. Унда Андижон вилоятидан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Қ. Обидов бошқарди. Йиғилишда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазири ва бошқа расмий кишилар муҳокамасига қўйилган асосий масалалар тўғрисида гапирди, депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзА).

СЕССИЯ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Бухорода вилоятдан сайланган республика халқ депутатлари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими М. Раҳмонов бошқарди.

ўринбосари Б. Бугров йиғилиш қатнашчиларига ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар хусусида гапирди берди.

(ЎзА).

ВАЗИФАМИЗ БАРЧА СОҲАЛАРНИ ҚОНУНЧИЛИК БИЛАН ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ

Ҳуқуқий давлат куриш жараёни Адлия вазирлиги зиммасига катта вазифалар юклатмоқда.

Вазирлиқнинг янги ташкил этилган қонунчилик бош бошқармаси асосан иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги норматив ақлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган норматив ақлар лойиҳаларини баҳолаш билан шуғулланади. Бундан ташқари қонун ва ҳуқуқат қарорларини умумлаштириш, тартибга солиш ва қонунчиликда компьютер базисини яратиш устида кучга кирилади. “Жиноят ва жазо ҳақидаги кодекс” “Жиноят процессуал кодекс” лойиҳалари вазирлик томонидан тузилган маълум олимлар ва шу соҳада узоқ йил ишлаган тажрибали ходимлардан иборат комиссия томонидан тайёрланди. Улар Олий Кенгашининг май ойидаги сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинди. Айни пайтда “Гражданлик-процессуал кодекс” ҳамда “Маммурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги кодекс” лар лойиҳаларини тайёрлаш устида иш олиб боришмоқда.

Адвокатураларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлашга хизмат қилган “Адвокатлар фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш иши ҳам тугалланди. У вазирлик вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар билан яна бир бор муҳокама қилинган, Олий

юридик хизмат ходимларини қайта тайёрлаштириш ва аттестациядан ўтказишти. Махсус низомига мувофиқ юридик маслаҳатчи лавозимларининг ҳаммаси олий маълумотга эга бўлган мутахассислар билан алмаштирилмоқда. “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги ва “Аудиторлик” фаолияти тўғрисида”ги қонунларга, асосан, Адлия вазирлигига маслаҳат хизматини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни ўз таъсис ҳужжатларига риоя этишларини назорат этиш тоширилди. Айни пайтда 30 дан ортқ аудиторлик фирмаси ва 6 та биржа давлат рўйхатидан ўтказилди.

21 январдаги Фармонга асосан, давлат мулк шайига эга бўлмаган корхоналарнинг молия-ҳужалик фаолияти устидан назорат аудит йўли билан олиб борилиши керак. Шунинг учун аудиторлик фирмаларини ташкил этиш бизнинг доимий диққат-эътиборимизда. Унда махсус тайёрларлик, иш стажига эга бўлган, бухгалтер ҳисоботи ва назорати соҳасида 5 йилдан кўп муддат меҳнат қилган шахслар иш юритиши мумкин.

Ходимларимиз ўз зиммаларига юклатилган масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда барча соҳаларни қонунчилик билан таъминлашда бундан кейин ҳам куч-гайратларини аямаядилар.

Маммури ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг муовини.



Поп туманидаги “Қўштепа” жамоа ҳўжалиги деҳқонлари бу йил ғўза экишга майдонларда вақтида агротехник тадбирларни ўтказганликлари тўғрисида ҳўса тўғрисида. Қўшқарлар қўғос очилди. Қўл терими кундан-кун авж оляпти. Ҳозир пахтазорлардаги ўқ ариқлар текисланиб, “зангори кема”лар эркин

ҳаракат қилиши учун барча шароитлар яратилди. Эрта-индин терим машиналари еппасида далага чиқади. СУРАТДА: 1-қисмта механик ҳўйдовчиси Содиққан Тўғичев. У мавсумда ўзи бошқарётган агрегат билан 200 тонна “оқ олтин” терим ниятида.

Т. ҲАМРОҚУЛ тасвири.

Фан ютуқлари — ишлаб чиқаришга ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизда жакон амалиётида ягона бўлган йиллик илмий кураш ва станциялар мавжудки, уларнинг довури бутун оламга ёйилди.

Мустикаллик шарофати туйғайди эса илму фаннинг ҳам рўшноликка эришиди, бировларга мутеликдан кутулди, ўз халқи хизматига юз тудди. Хозирги кунда 144 илмий-тадқиқот институти, 67 олий ўқув юрти, ўйлаб-ойлаш-конструкторлик ва технология бюросида республикамиз илмсодети учун мухим бўлган янги технологиялар, материаллар, асбоб-ускуналар, дори-дармонлар яратиш устида илмий излашлар олиб бориламоқда.

Мустикалликнинг машаққатли йўлини босиб ўтган мамлакатлар буй тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети 1995 йили Ўзбекистонни илмсодети ва ижтимоий ривожлантиришнинг устувори йўналишлари бўйича қисқса муқаддими илмий-техник лойиҳалар ташвишчи ўтказишга қарор қилди. Илмий лойиҳаларни маблаг билан таъминлашда уларнинг натижасидан манфаатдор вазириликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳам ўз улушлари билан иштирок этишлари назарда тутилмоқда. Хозиргача химия, машинасозлик корхоналари ассоциациялари, "Қизилқумкамб-металлолтин" концерни, "Ўзэкококватсанот", "Ўзбекнеф-тегаз" корпорациялари, "Ўзэо-мослит" уюшмаси, "Ўзэомакс-сулоат", "Ўзбекмебель" давлат акционерлик бирлашмалари, пахтачиликка мўлжалланган машиналар махсус кон-структорлик бюроси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ана шу таъминоти илмий ишлари амалга оширишга қўмаклашиш истагини билдиришди.

Шу йуллар ривожининг яна бир жиҳати ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Амалга оширилган тадбирлар натижасида яратилган янги техника ва технологиялар даромад келтира бошлагач, олинган фойда янги тадқиқотлари ишлаб чиқаришга жорий этишга сарфланади.

Бугунги кунда ана шундай тажрибанинг бир неча намуналари бор. Ўзбекистон Фанлар академияси Электроника институтида поликристалли қуёш элементлари ишлаб чиқариш технологиясини оптик алаштириш ва электрон саноти чиқиндиларидан комплекс фойдаланиш тизими ишлаб чиқилди. Тадқиқотлар натижасида халқ истеъмол буюмлари учун поликристалли қуёш элементларини санот шароитида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга муваффақ бўлинди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва Кишлоқ ҳўжалик фанлари академияси Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида

иктисодий муаммоларни ҳал қилишга жалб этишди. Шу мақсадда 1995 йилги илмий-техник ишланмалар таллови вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Чунончи, Намангандаги "Иждор" тажриба илмий-ишлаб чиқариш фирмасида яратилаётган махсудотдан келадиган фойда уш-бу ўсимликнинг совуққа чидамли навларини яратишга, стевининг селекциясини тадқиқ қилишга қаратилган илмий ишланмаларга сарфланади.

САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида таёйрланган маҳаллий материаллар ва мавжуд кишлоқ ҳўжалиги машиналаридан фойдаланган ҳолда томчилик сифати системаси учун махсус технология ва комплекс ускуналари ишлаб чиқилди. Бу сур ресурсларини тежаш, сув камчилик бўлган ҳудудларда кишлоқ ҳўжалиги ўсимликлари ривожини таъминлаш имкониин беради. Аини шу усул пахтачиликда қўлланилганда, ҳосилдорлик гектар ҳисобига ўртача 8—10 фоиз ошади. Уғитларга бўлган талаб 25 фоизга, фойдаланиладиган сув сарфи эса 40—60 фоизга камайиши мумкин. Ушбу ишланмалар Туркманистонда ўтказилган халқаро тендерда ҳам юқори баҳога сазовор бўлди.

1994 йилда 190 илмий-техник ишланмани тугатиш мўлжалланмоқда. Уларнинг натижалари асосида 10 та янги технология, дори-дармонларнинг 20 тажрибавий нусхаси, ва янги асбоб-ускуналарнинг 25 тажрибавий 8 санот намуналари яратилди ва халқ ҳўжалигига жорий этилди. Улар ичида Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимликлар моддлари химияси институтида яратилаётган, чет элларда ўқашга бўлмаган шомолашга қарши пинчоэборин препарат; ТошДУда яратилаётган Россия, Хитой, АҚШ, Япония патентлари билан рақобатлаша оладиган маҳаллий ҳомашедан таёйрланадиган вирусга қарши препарат ва бошқалар бор.

Навоийдаги "Юспромонтаж" концерни томонидан яратилаётган, бир сеенада 800 кг. нон ва 300 кг. қандолатчилик махсудотлари ишлаб чиқариладиган контейнер типидига кичик нон пишириш ҳўжалик фермер ҳўжалиқлари ва кишлоқ аҳолиси учун жуда қулай бўлиб, ўзининг кўрсаткичлари билан машҳур "Дока-хлеб" ускуналари билан бемалол рақобатлаша олади. Йил охирида ҳудди ана шу ускунанинг санот намунаси ишлаб чиқарилади.

Фан ва техника давлат комитетининг давлат илмий-техника сиеатини шакллантиришдаги янгиликларидан ана бири, вилоятларда тулганган илмий салоҳиятни шу ҳудудларга ҳос

ҲАР ТОВУШНИНГ ЎЗ БЕЛГИСИ БЎЛСА...

Янги алифбога ўтиш инқилобий ҳодиса эканлигини ҳисобга олиб, имло қоидаларини ишлаб чиқишда езувни талаффуз қоидаларига иложи борича яқинлаштириш таъмоийига амал қилинганда кенг ўқувчилар оммаси учун қулайлик туғдирилган бўлар эди.

Янги алифбо сирасида (2 та бир-бирига ўхшаш) ўзлашма сўзлардагина ишлатиладиган С ҳарфининг борлиги маълум чалқашликка олиб келади. Худди шу ўринда ҳар бир фонемани бир белги билан ифодалаш таъмоийли бузилганга ўхшайди. Маълумки, С ҳарфи русча-интернационал сўзлардаги ц товушини ифодалаш учун киритилган бўлиб, қоришиқ те товушини беради. Аввалги алифбомизда ҳам бу ҳарф мавжуд бўлиб, у ўзбек тилига сингиб кетмаган эди. Эътибор берилса, жонли тилда ҳозир-ҳозиргача цирк, шех, процент, цыган каби сўзлар сирк, шех, процент, ситан тарзида талаффуз қилиб келинмоқда. Модомки, русча сўзлардаги Ш ҳарфи ўзбек тилида шч бирикмаси орқали ҳарф экан, нега энди офицер, конституция каби сўзлардаги ц ни ҳам те бирикмаси билан бериш мумкин эмас? Ўзимизда мавжуд бўлмаган товушлар учун ортиқча ҳарфлар ўйлаб топши шарт эмас.

Умуман, русча-интернационал сўзлар имлосига кўпгина аниқликлар киритиш лозим. Жумладан, жюри, бюро, интервью, Жульетта каби сўзларни жури, бюро, интервю, Жульетта каби сўзларни жури, бюро, интервю,

Жулэта тарзида езамизми? Еки бу каби сўзларда ундощан сўнг й ҳарфини езиб, қўшиб талаффуз қиламизми? Бундан ташқари, объект, субъект, съезд каби сўзларда ҳам тўтуқ белгиси қўйилишини аслатиб ўтиш лозим.

Кўпгина янги напир этилган тақвимларда ой номлари ўқтабр, нўйабр тарзида берилган эди. Янги имло қоидаларида бу янгилик ўз аксини топмади. Демак, бу соҳада ҳам бирор кўрсатма зарур.

Маълумки, дорбоз, масҳарабоз, ишқибоз каби сўзларда б ўрнига в талаффуз қилинса ҳам, б езилади. Бу имло қоидаларининг морфологик таъмоийлига кўра жуда ўринлидир. Шу ўринда, янги имло қоидаларида талаффуздан қатъи назар, амакнвачча, ҳолавачча, қулавачча каби сўзларни ҳам-баъча тарзида езиш тавсия қилинганда, сўзларнинг этимологияси тикланган бўлар эди.

Чизиқча билан езиладиган сўзлар борасида баъзи мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Жумладан, пирширак, бизбизак, ҳайҳайла, гижжжла каби сўзларни чизиқча билан еган маъкул, чунки улар такрорлаш орқали ҳосил қилинган ва чизиқча билан езиладиган жуфт сўзлардан келиб чиққан.

Тартиб сонларни езиш борасида анчагина қўшимча қоидалар киритилгани таҳсинга сазовор. Лекин тартиб сонлар енама-ен

келганда қўйилдиган белгилар борасида шундай мулоҳазамиз бор: агар 3-, 9-синфлар деб есақ, фақат 2 та синфни тушунамиз. 3-9-синфлар деб есақ, 3 дан 9 гача бўлган барча синфларни тушунамиз. Лойиҳада 3-9-синфлар деб езиш тақлиф қилинибди. Бизнинг фикримизча, бу ердаги тире ортиқча.

Қўшма от ва қўшма сифатларнинг қўшиб езилишини тавсия қилингани яхши бўлибди. Масалан: музёраб, бодомқовоқ, қўзиқорин ва ҳ.к. Шу қоида қўшма исмлар ва ота исмларга ҳам тааллуқлидир. Шу сабабли Муҳаммадқосимов, Муҳаммадқодир каби сўзлардан ҳам мисоллар келтирилганда яхши бўларди.

Қўмакчи ва тўлиқсиз феъллар мустикал феълдан ажратиб езилиши тўғри кўрсатилган. Лекин мустикал феъл билан ердамчи феъл орасида товуш ўзгариши бўлса, бундай қисмларнинг қўшиб езилиши тавсия қилинибди. Масалан: айтваре. Бизнингча, турли чалқашувларни бартараф этиш мақсадига бу каби сўзларни ҳам қуйидагича ажратиб еган маъкул: айти бер, билар экан, бора олади каби.

Лойиҳани қабул қилишда юқоридагилар каби илмий ва техник нуқсонлар бартараф этилади, деб умид билдирамиз.

Зиёда МУРТОЗОВ, Самарканд вилоят университети ўзбек ва рус тиллари кафедрасининг катта ўқувчиси.

Футбол «НЕФТЧИ» ТЕХРОНГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўтган куни Фарғона аэропортидан "Ўзбекнефчон ҳаво йўллари" авиакомпаниясига қарашли махсус самолёт Эрон пойтахти Техронга жўнаб кетди. Самолет бортида йўловчилар эмас, Ўзбекистоннинг икки қарра чемпиони "Нефчи" футболчилари бор эди. Улар мустикал республикамиз тарихида биринчи бор Осиё чемпиони куботи учун курашда Ўзбекистон шарофини ҳимоя қилишди. Улар бундай ҳуқуққа Марказий Осиё мамлакатлари чемпионилари ўртасидаги саралаш мусобақасида қолиб чиқиб, қўлга киритишганди.

Халқаро жаҳвал бўйича футболчиларимиз сентябрь ойи охирида минтақавий кичик гуруҳда қолиб чиққан "Техрон"нинг "Сайра" командаси билан ўтказиши керак эди, лекин аини шу пайтда Хиросима шаҳрида 12-Осиё спортфўнлилари ўтказилди. Шу ўйинларда қатнашадиган футбол бўйича Ўзбекистон миллий жамоаси таркибини "Нефчи" жамоасининг қатор ўйинчилари ташкил этади. Шу сабабли Ўзбекистон футбол федерацияси Осиё футбол федерациясига мурожаат қилиб, учрашувни октябрь ойи ўрталарига қўчиришни илтимос қилган эди. Осиё футбол конференцияси бу илтимосни қондирди. Ўзбекистон ва Эрон чемпионилари 16 сентябрда Техронда учрашмишди.

Кеча фарғоналиклар "Нефчи" жамоасини шоду-хуррамлик, тантаналар билан Техронга кузатиб қолишди. Вилоят ҳқими М. Исмолов футболчиларга оқ йўл ва фақат галаба тилади.

Биз ҳам Ўзбекистоннинг икки қарра чемпиони ҳалқаро мусобақаларда омад тилаймиз.

Н. СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири.

Мақтаб: ўзгаришлар даври МУАЛЛИМЛАР КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Бундан анча йил бурун аждоғлари тупроғига қайтган, ҳозир Тошкент давлат шарқшунослик институтида талабаларга таҳсил бераётган сурлик Муҳаммад ал Бухорий араб тили бўйича дарслик ездди. Дарслик пойтахтдаги араб тили чукр ўргатилганлик икисита — биринчи ва иккинчи тўқинчи мақтаб ўқувчилари учун қимматли совға бўлди. Муҳаммад ал Бухорий ўқитувчиларнинг ҳам араб тили бўйича билимини чуқурлаштириш мақсадига Тошкент ўқитувчилар малакасини ошириш институтида махсус курс очди.


Тошкент мақтабларида хинд, араб, урду, форс тилларидан хинд бераётган ўқитувчилар семинари мана шу мавзуга бағишланди. Семинар августда бошланди, сентябрда яқунланган ўқитувчилар конференцияларининг давоми эди. Конференцияларда 20 дан ортиқ секция ишлади. Уларда ўқитувчилар ўз фанларини ўқитиш юзасидан фикр алмашиб, янги ўқув йили учун режаларини аниқлаб олишди.

Тошкент мақтабларида хинд, араб, урду, форс тилларидан хинд бераётган ўқитувчилар семинари мана шу мавзуга бағишланди. Семинар августда бошланди, сентябрда яқунланган ўқитувчилар конференцияларининг давоми эди. Конференцияларда 20 дан ортиқ секция ишлади. Уларда ўқитувчилар ўз фанларини ўқитиш юзасидан фикр алмашиб, янги ўқув йили учун режаларини аниқлаб олишди.

Ўқитувчиларидан 800 киши институтида малака оширди. Бу йил ишимиз янада самаралроқ бўлади — янги ўқув қўллнамалари билан ишлайди. Она тили, адабиёт, Ўзбекистон тарихи ва географияси сингари фанларни ўқитишда ҳам янгиликлар бор. Бу фанлар бевосита Ўзбекистон, унинг тарихи, бугуни куни билан боғланган ҳолда ўргатилади. Шу йўналишда янги дарсликлар таёйрланмоқда, бу ишга бизнинг ҳодимлар ҳам хисса қўшмоқда. Хуллас, янги ўқув йили олдидан ўтказилган катта педагогик кенгаш самарали бўлгани шубҳасиз.

Л. СТРУНИКОВА, ЎзА мухбири.

Анджон туманидаги Кўйганёр қишлоғида жойлашган темир-бетон буюмлари заводи вилоятдаги кўпгина қурилиш ташкилотларига буюртма бўйича материаллар етказиб беради. Аинқиса бу ерда таёйрланаётган сув ўт-камуви тарновларга эҳти-еж катта.



СУРАТДА: (чапдан) бетончилар Позилжон Мамажонов ва Латифжон Олқосимовлар иш устида. Алқажон АБДУРАХИМОВ тасвири.

Анғана ҚОВУН САЙЛИ

Қарши шаҳрида вилоят деҳқончилик мажмуи му-хассисларнинг ташаббуси билан қовун сайли ўтказилди. Вилоят марказининг бош майдони байрамона безатилди, ўтовлар тикланди, муваққат уйчалар, айвонлар тикланди. Мустикалликнинг уч йиллигини шарофловчи, дўстлик, тинчлик, барқарорликни маъд этувчи шорур суратлар билан безатилди. Бу ерда вилоятнинг деярлик барча ҳўжалиқларидан миришкор ботгонлар, деҳқонлар даладарда етиштирилган ноз-неъматлар билан келди-дилар. Фанлар, деҳқон ҳўжалиқлари соҳибқорлари эришган ютуқлар кўз-қўз қилинди. Осиё-овқат саноти корхоналарининг ҳодимлари ҳам қовун сайлига тўхфа билан келди-дилар. Улар ўз корхоналарида таёйрланаётган тансиқ таомларни тортиқ етди-дилар.

Қовун сайлида Қашқадарнинг турли бурчакларидан келтирилган қарийб 2 минг тоннага яқин қовун-тарвуз, дон, чорвачилик махсудотлари, мева, узум, сабазот махсудотлари намойиш этилди. Қарши шаҳар аҳолиси ана шу махсудотларни эрон наҳрларда ҳарид қилиш имкониига эга бўлишди.

Қовун сайли якунида ширинк таъловога хотима ясалди. Энг кўп махсудот ва эллидан ортиқ қовун-тарвуз навлари билан сайли фанз келтирилди. Қарши тумани соҳибқорларига биринчи ўрин насиб этди. Уларга қимматбаҳо мукофотлар тақдим этилди. Иккинчи ўрин эса Нишон тумани вакилларига берилиди. — Қовун сайли қовун-тарвуз турларини даладарда етиштири-лаётган бошқа махсудотларни кўпчиликка кўз-қўз қилиш, шу йўл билан аҳоли таъминотига ҳисса қўшишдангина иборат тадбир эмас, — дейди вилоят деҳқончилик саноти уюшмалари раиси Мирқомил Мирқов, — балки миришкор деҳқонлар, соҳибқор ботгонларни даладарда ишлаб меҳнат қилишга, уларнинг машаққатли вазибаларини рағбатлантиришга ишончли востига ҳамдир. Ўтказиладиган анчанавий қовун сайллари тўғрйлик қовун ва тарвузнинг аздай турларини тиклаш ва қўлайлаштириш мумкин бўлартев. Бу тадқиқотнинг жуда катта бойлигига айланмоқда.

П. ГАЛОВЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Тадбиркорлик сабоқлари СИФАТГА ЭЪТИБОР БЕРИБ

Пойтахтдаги "Ешлик" ти-кувчилик фабрикаси иш-билармонлари Тошкентда ик-кисита ва Анджон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида битта фирма дўқони очилди. Бу дўқонларда корхонада таёйрланган турли-туман моллар—эркаклар ва аёллар, болалар ва ешларнинг кий-имлари, чойшаблар, халатлар, коржомалар ва бошқа буюмлар анча арзон нархларда сотилмоқда.

Фабрика ўтган йили июнь ойида Тошкентдаги "Юлдуз" тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси шохобчаси асосида бунёд этилган эди. Сўнгра у мустикал акционерлик жамиятига

айлантирилди. — Бозор муносабатлари тугал ишлаб чиқариш жарасини юзага келтиришни тақозо қилди, — дейди "Еш-лик" раҳбари Йўлдош Муҳамедов. — Шу мақсадда бичиш ва таёйр махсудот ишлаб чиқариш цехлари, омборлар бунёд етдик, тажриба цехи очдик. "Юл-дуз"дан ажралиб чиқимиш бизни ҳомаше таъминоти билан шугулланишга мажбур қилди. — Беларусь, Қозоғистондаги корхоналар, Марғилон ва Наманган тўқимачилари билан олоқа ўрнатдик. Махсудотнинг юқори сифатли бўлишига катта эътибор бераётганимиз

Ф. БЕКЖОНОВА, (ЎзА).

Президент фармони изидан КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуотда эълон қилинган "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аини вақтида қабул қилинган мухим ижтимоий ҳужжатдир.

Халқимиз мажмур фармони гоят қониқиниш ва миннатдорчилик билан қутуб олд ва қўллаб-қувватламоқда. Бу юрғошимиз томонидан ишлаб чиқилган кам даромадли ва ердамга мутож бўлган кишиларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиеасат ўтказишнинг амалдаги ифодасидир. Аҳолини муайян ижтимоий ҳимоялашга оид тадбирларни рўебга чиқаришда кам таъминланган оилаларга давлат маддали, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларинингана кенг ҳамда фаол иштирок этишини кучайтириш мақсадига қабул қилинган мажмур ижтимоий ҳужжатда маҳалла ва хайрия ташкилотлари зиммасига гоят масъудияли вазибалар юкланган. Бу фармони таъти таътиб этишда республика "Маҳалла" хайрия

жамгармаси бошқаруви ҳамда унинг бўлим раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари оидлонақатъият билан иш юритишлари лозим бўлади. Президентимиз Фармони эълон қилинган қуцданок уни жойларда амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилди. Ана шу тадбирларимизга биноан маҳалла оқсоқоллари, фаоллардан иборат махсус комиссиялар тузилди. Улар кам таъминланган оилаларни тақроран аниқламоқдалар. Негаки, бундай иш тутиш уларнинг аризаларини қўриб қилишда кўп келади. Моддий ердам пули миждорларни белгилашда

аниқлик манбан бўлиб хизмат қилади. Республикаимиз мустикал бўлгандан буюн юрғошимиз ва ҳукуматимиз аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадига кўпгина қарорлар қабул қилди. Ана шу қарорларнинг амалдаги натижасидан халқимиз доим хабардор. Ўтган давр мубайнида жамгармаси Республика бўйича 315 мингга яқин кўп болали, кам таъминланган, поғирон, боқувчисини йўқотган ва ердамга мутож кўнлар 100 дан ортиқ оилаларга моддий ердам берди. Фармониин амалга ошириш

жараенида бизнинг хайрияимиз ҳам оғиб бориши муқаррар. Фармонида маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига юқаск ишонч билдирилиб, улар зиммасига аниқ вазибалар юкланган. Оқсоқолларимиз ва маҳалла фаоллари бу ишончни ҳалол ҳамда йўмонли хизматлари билан оқлайдилар. Кам таъминланган оилаларга моддий ердам пулини тайин қилиш чоғида ижтимоий адолат, руй-ростлик, кенг ошоралик қоидаларига қатъий риоя етдилар. Ажратилган маблаглардан ўринли ва самарали фойдаланишга эришадилар. Бу борада жамгармаси бошқаруви, унинг худудий бўлими ва бўлинмалари раҳбарияти қатъий назорат ўрнатиш билан бири, бутун таъминот ҳамда хайрия ишларига бош-қош бўладиган, Республикада кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга амалий хисса қўшавердилар.

Шуку ТЕМУРОВ, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамгармасининг раиси.



ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний билан Бош вазир Гулбиддин Ҳикматёр қўшинлари ўртасидаги жанглар тобора шиддатли тус олмақда. Қобул шаҳри атрофида куни кеча бўлиб ўтган жангларда 83 киши ҳалок бўлди. Қобул радиосининг хабар беришича, шаҳар ракетадан ўққа тугилиши натижасида пойтахтнинг 25 нафар аҳолиси ҳалок бўлган, 60 киши оғир жараҳат олган. Афғонистоннинг Шимоли Фарбидаги Самагон, жанубий қисмидаги Лохар, Вардак вилоятларида, Қобул атрофидаги тоғли районларда ҳам вазият тобора кескинлашмоқда.

МУНОЗАРА БЎЛИБ ЎТАДИ Гарвард университетиининг Жон Кеннеди номидаги бошқарув мактаби ташкил этган анжуманда иштирок этиш учун Россия давлат думасининг 29 депутати Америка Қўшма Штатларига келди. Икки ҳафта давомида депутатлар америкалик олимлар билан махсус дастур асосида "Россида президентлик ҳокимиятининг тузилиши", "Сиесий партиаларнинг аҳамияти" каби мавзуларда мунозара ўтказадилар.

ЎГРИ ҚЎЛГА ТУШДИ Сўнги элик йил мубайнида биринчи марта Чехия пойтахтидаги давлатга тегишли бўлмаган тижорат банккае ўғри тушди. Қуролланган, юзига ниқоб кийган икки киши соқчиларни қуролсизлантириб, қўрқиб кетган ҳисобидан 830 миңг крон (30 миңг доллар)ни олиб кетган. Банк ичидаги барча воқеа махсус ўрнатилган видеокамерага езиб олинган эди. Орадан икки ҳафта ўтмасдан ўғрилар қўлга тушди. Текшируваларга кўра, улар полиция ҳодимлари экан.

БИРГАЛИКДАГИ ҲАРБИЙ МАШҚЛАР Марказий ва Шарқий Европа ҳақида НАТОга аъзо давлатларнинг қуроли кучлари вакиллари биринчи марта "Тинчлик учун ҳамкорлик" дастури асосида ўқув машқларини бошладилар. Польшанинг Познань шаҳридаги "Бедурск ҳарбий дала майдонида ўтаётган тадбирда 13 давлатнинг 900 дан ортиқ аскарни иштирок етмоқда. Улар орасида Украина, ва Литва ҳарбийлари ҳам бор.

• Долзарб муаммо

Ҳисоб-китобларга қараганда, атар бир гектар пахта майдонида бир центнердан ҳосил қолиб кетса, мамлакатимиз миқёсида 160 минг тонна хомшөб йўқотилар экан. Борди-ю, ғалларнинг бир квадрат метрида биттадан бошоқ қолдирилса, бир гектар майдонда 13 ярим килограмм дон йўқотилган бўлади. Бу — республика бўйича ғалладан 18 минг тонна кам ҳосил олинди, демакдир.

Энди бундай йўқотишлар мева, узум, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари бўйича ҳисоблайдиган бўлсак, нобудгарчилик нукталари ниҳоятда кўплиги кишини чуқур ўйлашга мажбур этади. Йўқотиш фақат ашлардангина иборатми? Фойдаланилмаётган ички имкониятлар, бой берилмаган фурсатлар, азалдан баёбоқ бойлигимиз, ризик-рўзимиз манбаи ҳисобланмиш ердан унумли фойдаланмаслик, унинг умрини бекорга ўтказиш йўқотишга кирмайdimи? Аслида йўқотишларнинг ўқ илдизлари ана шулар-ку! Шу нукта назардан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, республикада деҳқончилик маҳсулотларини йиғиштириб олиш, ташвиш, қайта ишлаш ва сақлаш қай ҳолатда? Чорвачиликдаги аҳвол қандай? Барча бойликларимиз манбаи — ердан қандай фойдаланилмоқдами? Мамлакатимиз мустақил бўлиб, ўз рўзгорини ўзи юритаётган ҳозирги даврда нобудгарчилик нукталари қанчалик кўп бўлган бўларди? Назаримизда, юртимизда бозор иқтисодий шаклланиётган бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигида ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда исрофгарчилик, нобудгарчилик, ички имкониятлардан оқилона фойдаланмаслик, тадбиркорлик билан иш юритамаслик ҳоллари содир бўляпти. Тажавб ўрнига йўқотишларга йўл очиб бериш давом этмоқда. Не-не машаққатлар завазга ҳосил этиштирилса-ю, ўз вақтида йиғиштириб олинмас, чўғи қамалиши, сифати бузилиши, нобуд бўлиши турган гап. Бунинг сабаби одатда икки хил бўлади. Биринчиси, ҳўжалик раҳбарларининг ишни тўғри ташкил этилмаганликлари, йиғим-терим муддатлари аниқ белгиланмаганлиги бўлса, иккинчиси, экин долзарб дамларда транспорт ва йиқкиларнинг етишмаслигидир. У ҳолда ҳам йўқотиш, аввало, деҳқоннинг ҳаммаёғи зарба бўлади.

ИСРОФГАРЧИЛИК

Мамлакатимизда неча минглаб тонна қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари нега нобуд бўлмоқда?

ўртасида тақсимламоқ даркор. Фикримизча, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотнинг таркибий қисми бўлган хусусийлаштириш қанчалик рўйга чиқса, бу соҳадаги ишлар шунчалик тез ўнгилган, йўқотишлар, сарсонгарчиликлар кескин қамайган бўларди.

Айрим ҳолларда қайта ишлаш корхоналари ҳўлисига ҳомашининг тирбанд бўлиб туриб қолышлари ҳам катта йўқотишга сабаб бўлмоқда. Бу — деҳқонлар, фермерлар меҳнатига бефарқ қарашдан, улар етиштирган маҳсулотга ачинамаслидан бошқа нарса эмас. Наҳотки, ноз-неъматларни заводларда маҳтл қилмасдан сифатини бузмасдан қабул қилиб олишни ташкил этиш шунчалик қийин бўлса!

